

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан № 244 — 245 (6. 733 — 6. 734) 1988 йил 25 октябрь, сешанба Баҳоси 4 тийин.


КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ УЛУФ ОКТАБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ 71 ЙИЛЛИГИГА

Ч а қ и р и қ л а р и

1. Яшасин Улуф Октябрнинг 71 йиллиги!
2. Яшасин ижодий таълимот, совет жамиятини янгилашнинг ғоявий негизи — марксизм-ленинизм!
3. Ленинчи большевикларга, партия, уруш ва меҳнат ветеранларига шон-шарафлар!
4. Уртоқлар! КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини амалга оширайлик! Революцион қайта қуришга муқаррар тус берайлик!
5. Коммунистлар! Намуна кучи билан ва ишонтириш орқали миллионлаб кишиларни социализмни янгилаш жараёнига сафарбар этингиз!
6. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий ислохотни амалга ошириш учун курашингиз, тўла ҳужалик ҳисоби, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш, ижара ва кооперацияни жорий этингиз!
7. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар! Партиянинг социалистик-демократик сиёсатини, халқ турмуши шароитини яхшилашга қаратилган йўлини ҳалол ва ижодий меҳнатимиз билан амалга оширайлик!
8. Совет Иттифоқи граждандари! Ленинча миллий сиёсатнинг буюк ғалабасини — СССР халқлари қардошлигини мустақамлангиз!
9. СССР граждандари! Сиёсий системани ислоҳ қилишда, Советларнинг ролини оширишда, турмушимизнинг барча соҳаларини демократиялашда фаол қатнашингиз!
10. Коммунистлар! Советлар мамлакатининг граждандари! Ҳақиқат ва ошкораликни қарор топтирингиз, бюрократизм, қолоқлик ва мутаассибликни бутунлай тугатингиз!
11. СССР граждандари! Қонуннинг нуфузини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, ҳокимият бўйсини қарор топтирадиган социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этайлик!
12. Совет Иттифоқи граждандари! Табиатни ҳимоя қилингиз, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда иштирок этингиз!
13. Агросаноат комплекси ходимлари! Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш учун курашингиз, ҳўжалик юртишнинг янги формаларини дадилроқ ўзлаштирингиз!
14. Совет олимлари, инженерлари, ихтирочилари!

- ри! Фан-техника тарққитини, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишни жадаллаштирингиз!
15. Халқ таълими ходимлари! Мактаб ислохотини амалга оширингиз, ёш авлодни замонавий билимлар, меҳнат қўникмалари, ғоявий эътиқод билан қуроллантирингиз!
16. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Медицина ёрдами сифатини оширингиз, одамларга кўпроқ меҳроқибат ва шафқат қилингиз!
17. Адабиёт ва санъат арбоблари! Одамларнинг маънавий дунёсини бойитингиз, уларнинг фаол граждандлик позициясини тарбиялангиз, қайта қуришнинг боришини ҳаққоний ва ёрқин акс эттирингиз!
18. Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини изчиллик билан қатъий ҳимоя қилингиз, ҳўжалик юртишнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги методлари жорий этилишига эришингиз!
19. Комсомоллар! Йигит ва қизлар! Буюк Ленин меросини ўрганнгиз, жамиятни революцион янгилаш учун фаол курашчиларнинг биринчи сафларида бўлингиз!
20. Яшасин қайта қуришнинг фаол иштирокчилари, ёш ўринбосарларнинг меҳрибон тарбиячилари — совет хотин-қизлари!
21. Совет жангчилари! Социалистик Ватанини ишончли қўриқлангиз, чинакам ватанпарвар ва интернационалист бўлингиз!
22. Тинчлик ва социал тараққийт учун, озоодлик ва демократия учун курашда КПССнинг коммунист-тик ва ишчи партиялар билан, барча ижтимоий кучлар билан бирдамлиги мустақамланаверсин!
23. Социалистик давлатларнинг халқларига алағали салом! Қардош мамлакатлар ҳамдўстлиги мустақамланаверсин!
24. Жаҳон халқлари! Ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустақамлангиз! Жаҳон цивилизациясини ядро хавфидан ҳимоя қилайлик!
25. Улуф Лениннинг номи ва иши асрлар оша ашайверсин!

Пахтакорга мададкормиз



Маорифчилар ҳиммати

Пахтакорлар учун ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳар дақиқаси қимматли. Шунинг учун ҳам улар етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Ана шундай долзарб дилларда «Эрон ва Болға» иттифоқига сарфилари бўлган хашарчилар дала меҳнаткашлари билан ёқна-ён туриб уларга ёрдам беришяпти.

Яқинда биз Бекобод районида қарашли «Авангард» совхозда бўлиб, хашарчилар билан суҳбатлашдик.

— Биз бу йилги мавсумда совхоз меҳнаткашларига 100 тонна пахта териб беришга аҳд қилганмиз, — дейди бизга Ҳамза райо маорифчилари номидан 230-мактаб ўқитувчиси Раъно Ғафурова, — Юксак аҳдага яраша ғайрат ва шикоят билан ишляямиз.

Совхоз далаларида 150 дан ортиқ ўқитувчи ва тарбиячилар жавлон урмоқда. Улар ҳар кун хўжалик хирмонига 4,5—5 тонна оқ олтин тўкишяпти.

Пахта ишлаб беришнинг Тўхта-мурод Мугаловин совхознинг 2-бўлими пахтазорларида учрадик.

— Районимиз маорифчилари белгиланган шартномага мувофиқ ҳар йили ана шу хўжаликка ёрдамга чиқяшди. Шу тўғрйли совхоз ишчилари билан алоқамиз тобора мустақамлашиб бормоқда, — дейди у бизга. — Шароитимиз ҳам яхши. Хашарчиларнинг ҳаммаси шиман ва қўлай хоналарга жойлаштирилган. Ҳар кунгики маҳал иссиқ овқат тайёрланади.

Хашарчилар ўртасида ўзаро мусобақа йўлга қўйилган.

Ҳар ҳафтада унга яқин чиқарилади. Гойиблар хўжалик маъмурияти томонидан белгиланган пул мукофотини олишяпти. Утган ҳафта якунига кўра райондаги 230-мактаб хашарчи-ўқитувчилари гойиб деб топилди. Коллективнинг илгор тарбиячилари С. Маматазизова ва Р. Ғафурова кингари пешқадамлари меҳнатларида яраша тақдирлангиди. Шунингдан райога қарашли 156, 198, 204-мактаб ва ёш техниклар станцияси коллективлари ҳам гойиблардан ордада қолшмаляпти.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти серҳиммат хашарчилар меҳнатидан мамнун бўлишмоқда. Маорифчиларнинг шу кунгача хўжалик хирмонига тўқсан пахталари 30 тоннадан ошиб кетди.

М. ОРИПОВ.

Студентлар ғайрати

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг уч ярим мингдан ортиқ студент-хашарчилари Сирдарё области Оқ олтин райони пахтакорларига яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар Ворошилов, У. Юсупов номидаги ва «СССР 60 йиллиги» совхозлари дала-ларида меҳнат қилишмоқда. Университет факультетларида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган.

Унда химия ва журналистика факультети талабалари пешқадамлар сафида боришяпти. Бўлғуси журналистлардан Рохила Сиддиқова, Зуффия Файзуллоева, Нигора Мусурмонова, Гулсун Худойкулова, Зариф Хидиров, Шаҳзода Анбаров ва Шодмон Сабуров сингари серғайрат теримчилар бошқаларга ўрнак бўляпти. Улар кунига 140-150 килограмдан «оқ олтин» териб олишяпти.


Студент-хашарчиларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтати. Ҳар кун ишдан сўнг қизқарли кечалар, дискотекалар уюштирилади. Қизқарли китоблар, радио ва телевизор — ҳаммаси бор.

Ҳушлас барча шароитлар етарли. Бу эса ёшларнинг баракали ишлашларига яхши омиш бўляпти.

Ш. ДАМИНОВА, ТошДУ студенти.

XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси олдидан

ЗАМОНДОШИМИЗ



Ишчи оиласига — б и р а с р

Бу онда сарвари Наримон ака билан танишганимизда унинг ўз касбига содиқлиги, жиддийлиги ва ишчи касбини нечоғлиқ ардоқлашга тан бердики. У қаерда ишляйди, дейсизми? Марҳамат, СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилади.

У қачондан бери ишляйди, деб қизқарсиз. — Ропна-роса ўттиз йил!

У шу корхонага 1958 йилда ёш йигитлик чоғида келган эди. Дарахт бир жойда кўкаради. Уни корхонада каттаю кичик танийди. Ўзаро хўрмат, нэзат-эътибор ҳалол, узоқ йиллик меҳнати тўғрйли пайдо бўлди.

Энг қизғини ва ибратли томони шундаки, Наримон аканинг рафиқаси ҳам шу ерда ишляйди. Бугина эмас, унинг уч ўғли ва икки келини ҳам шу ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишяпти! Қисқаси, бутун онда аъзолари серурум тракторлар ишлаб чиқаришга салмоқли ҳисса қўишляпти.

Агар халқнинг қадимий удуларига назар солсан, ота-она ёнида уларнинг ўғил-қизлари, бутун онда аъзолари ишлаб, умумий ишга катта ҳисса қўишляптиларининг гувоҳи бўламиз. Ҳозирги кунларимизда

ҳам биз жойларда ана шу яхши анъана — онда пудрати кенг қўлоқ ёйётганини кўрамиз.

Бизни яна бир нарсга қизиқтирди. Н. Абелтаров оиласи аъзоларининг жами иш стажини неча йил бўлдикин? Буни маълум қилиш, ҳисоблаб чиқсан, 100 йилдан ошиб кетибди! Демак, бу ишчи оиласининг меҳнат стажига бир аср бўлди.

Бирлашманинг 27-цеҳидамиз. Наримон ака шу цеҳда XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси шарафига жонбозлик кўрсатиб ишляпти. Штампларини синовчи экан. Ўз ишига пухта, шоммайди, аммо суръат ва сифатта бирдек муҳим эътибор беради. Ўғиллари Камол, Риза, Сервер шу цеҳдаги слесарлик участкасида қўли-қўлга бериб ишляшяпти.

Ишчи оиласига ҳавасимиз келди! Қани, энди шундай ишчи оилалари шаҳримизда тобора кўпайиб боса. Ота-оналар иш тажрибаси, маҳорати, касб бойлиги бевосита улар назоратлари остида фарзандларига ҳам ўтса, ота-она ҳақиқий мураббий, устоз бўлишса.

Х. ИКРОМОВ.

● СУРАТДА: Наримон Абелтаров. Р. Шарипов фотоси.

Муаммоларни биргаликда ҳал этайлик

Ўзбекистон Компартияси Тошкент област комитети ҳузуридаги савдо, умумий овқатлениш, маъийи хизмат корхоналари учун раҳбар кадрлар резервини тайёрлаш курсларининг тингловчилари учун турли лекциялар, семинар машғулотлари, қизқарли узраш-суҳбатлар ташкил этилади.

Утган шанба кунги област партия комитетининг кичик мажлислар залида тингловчиларнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда савдо, умумий овқатлениш, маъийи хизмат корхоналари ишининг матбуотда ёритилиши масалалари юзасидан фикр алмашилди. Ғо-

зета саҳифаларида салбий ҳолатларни чуқур очиб ташлаш билан бир қаторда, қайта қуришнинг ижобий тажрибаларини кенг йиш, хизмат кўрсатишнинг ана шу соҳалари илгорлари ва новаторлари ҳақида ҳикоя қилиш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

О. КОСТИКОВА.

Республика курсларининг тингловчилари — редакциямиз меҳмони

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ҳузуридаги малака ошириш республика курсларининг област ва район газеталари журналистларидан иборат бир группа тингловчилари кеча «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Тошкент» газеталари редакциясининг меҳмони бўлди. Тошкент «Оқшом» газеталарининг журналистлари ҳаммасларига ўз ижодий режалари, голяри ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Ўз фаолиятларини қайта қуриш давомиде топилган шаҳар жамоатчилиги билан илашнинг янги кўринишларини ташкил

этиш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. «Оқшом» газеталари ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик редакциясининг иши билан, ана шу редакция ҳар онда бир марта «Тошкент оқшом» газетасида чиқараётган «Мушқадат», «Вечерний Тошкент» газетасида чиқараётган «Диалог» иловалари билан таништириллар. Бағуржа, эркин суҳбат Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1988 йил) Пленуми талаблари асосида ишларнинг янги усулларини излашни борасидаги ўзига хос тажриба алмашиб бўлди.

Группа икки ҳафта мобайнида қайта қуришнинг долзарб мавзуларида лекциялар тинглайди, назарий билимларни амалий машғулотлар билан мустақамлаб, республика газеталари редакцияларида бўлади, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётда, «Матбуот» полиграфия комбинатида, Ўзбекистон телеграф агентлигида босма маҳсулотларининг тайёрлаш жараёни билан танишад.

В. ОРИПОВ.

● СУРАТДА: «Оқшом» редакцияси меҳмонлари. Т. Каримов фотоси.



ЙИГИРМАНЧИ ЧАКИРҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети йигирманчи чакриқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг еттинчи сессияси 1988 йил 25 ноябрь кунги соат 11.00 да Тошкент област партия комитетининг катта мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9) чакриқлишини маълум қилади.

Сессия қўриб чиқиши учун қуйидаги масалалар кiritилиди:

- халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1988 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисоботи;
- Тошкент шаҳрини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги плани ҳамда Тошкент шаҳрини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги плани қандай бажарилаётгани ҳақида;
- Тошкент шаҳрининг 1989 йилги бюджети ҳамда Тошкент шаҳрининг 1987 йилги бюджетни ижроси ҳақида;
- шаҳар Советининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доимий комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботи;
- ташкилий масалалар.

Обуна муддати узайтирилди, чеклашлар бекор қилинди

19 октябрь кунги СССР Министрлар Советининг мажлисида обуна масаласи муҳофаза этилганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинганидан сўнг «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Тошкент» газеталари редакциясига жуда кўп газетхонлар қўнғироқ қилиди. Улар қабул қилинган ўзгаришлар ҳақида, шаҳримизда обунанинг бориши ҳақида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилиди. Мухбиримиз ана шу илтимос билан «Союз-печать» Тошкент шаҳар агентлигининг бошлиғи С. Х. Хатамовга мурожаат этди.

Марказий газеталарда хабар қилингандек, ҳўкумати-миз газета ва журналлар тар-жиини ошириш учун қўшимча 90 минг тонна қорғоз резервини излаб топди. Натикада деярли барча марказий газеталарга обуна бўлидаги чеклашлар бекор қилинди, обуна муддати эса шу йилнинг 15 ноябрга қадар узайтирилди.

— Демак, энди тошкентликлар «Аргументи и факти» иловасига, «Литературная газета»га, «Огонёк» журнаliga обуна бўлишлари мумкин эканда!

— Ҳа, истаган марказий газеталарга, деярли барча марказий журналларга обуна бўлишлари мумкин. Узининг тегишли полиграфия базасига эга бўлган «3а рулём» журна-ли ва Буюк Британия билан шартномага мувофиқ нашр этиладиган «Наше наследие» журна-ли бундан мустасно. Аммо маҳаллий ша-ронлардан келиб чиқиб маълум қилишми мумкинки, ша-римизда ана шу «Наше наследие» журнаliga обуна бўлиш имкони бор. Чунки ил-гари ана шу журналга бел-гиланган лимит ҳали тугагани йўқ.

— «Октябрь» ва «Москва» каби журналларга обуна бў-лиш мумкинми!

— Албатте мумкин. Юқори-да айтиб ўтилган икки журнал-дан бошқа барча нашрларга чеклашлар бекор қилинган. Бунинг мен иштирок этган се-лектор кенгашида СССР ало-қа министрининг ўринбосари Е. А. Манякин ҳам тасдиқла-ди.

— Фақат чакана савдо орқали тарқатилувчи нашрлар билан аҳвол қалай!

— Катталикнинг 78-саҳифа-да санаб ўтилган ана шу 25 нашр, жумладан «Московские новости», «Собеседник», «Фут-бол — хоккей», «Силуэт» мо-дальар журна-ли ва бошқа нашрлар бундан кейин ҳам фақат чакана савдо орқали со-лизишга қилинади.

— «Союзпечать» дўконлари-га чакана савдо орқали ре-ализация қилинадиган нашрлар кўпроқ келтириладими!

— «Союзпечать» дўконлари-ни оммабон газета ва журнал-лар билан таъминлашни сез-лери даражада кўпайтириш-ни режалаштирилми. Аҳоли талабини тўлароқ қондир-иш мақсидида киоск ҳодимла-рининг хориждорлар эътиёж-ини ўрганишни мўлжалланми.

Хулоса қилиб, обуна барча алоқа бўлимларида, жамоатчи матбуот тарқатувчилар то-монидан қабул қилинмоқда, деб таъкидлаёмиз. У ёки бу нашр-га обуна бўлишда рад жавоби бўлмаслиги устидан қаттиқ на-зорат ўрнатилмоқда. Мабоодо шундай воқеа содир бўлган текдирда ошқоришларнинг 33-70, 32-07-96 телефонлари орқали қўнғироқ қилишларини сўраймиз. Эслатиб ўтамиз, 1990 йилга обуна қабул қилиш 1989 йилнинг 2 январидан бош-ланади, бу демак, у нисбатан осийишга вазиёта ўтади.

Имкониятдан фойдаланиб обуначиларга мурожаат қилиш-ни истардим: каттақиллилар аниқ, ҳўснат билан, адрес-ларини тўлиқ кўрсатиб тўдир-ишгини сўрайман. Маса-лан, ўтган йили бир неча минг адрес нотўғри тўдирил-ган эди. Бу йил ҳам ана шун-дай ҳоллар оз эмас. Бунинг нетижасида обуна бўлинган нашрларни етказиб бериш кери-неча ойга кечикади, турли ке-лишмовчиликлар вужудга кела-ди.

● Газетанинг 3-саҳифа-сида обуначиларга қўлайлик яратиш мақсидида обунани расмийлаштирадиган авра-қаси ва фарғоналик мух-лисининг «Тошкент оқшом»и ҳўсусида билдир-гани қимматли фикр-муло-хазаларни эритмоқдамиз.

Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг навабдаги мажлиси «Ташкентхлеб» бирлашмасининг шаҳар аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан олиб бораётган иш натижаларини муҳокама қилди.

Бирлашманинг (бош директори А. Отаев) берча нон ёпиш хоналарида реконструкция ва капитал ремонт ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган. Ассортиментлар янгилашмоқда. Яқиндан бошлаб 15 турдаги янги хилдаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу, тадбирнинг амалга оширилиши бирлашмага бир йилда 214,6 минг сўмлик қўшимча даромад келтирди. 1, 5, 6-нон заводлари иш шезиларли даражада яхшиланди.

Лекин, шунга қарамайдан бирлашмада шаҳар аҳолисини сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлашда қатор нуқсонлар ҳам борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, 2-нон заводини олайлик. Бу корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини тез-тез бузиш ҳоллари юз беради. Текширувда 12,8 тонна оқ ноннинг 2,5 тоннаси ёки 19,3 проценти стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. 15,6 тонна оқ ноннинг 8,1 тоннаси ёки 48,2 проценти технологияга жавоб беришга қўйилмади. Ностандарт маҳсулотни реализация қилгани учун Ўзбекистон ССР Госстандарти томонидан корхона реализация планидан 11,5 минг сўм олиб ташланди.

Шу йилнинг октябры ойида ўтказилган қайта текширув 2-нон заводи раҳбарлари ўтган текширув натижаларидан тўғри хулоса чиқармаганлигини кўрсатди. Комиссия корхонада санитария нормалари бузилаётганлиги, маҳсулотлар стан-

дарт талабига жавоб бермаётганлиги, ишлаб чиқариш технологиясини бузилаётганлиги ҳолларига дуч келди. Оби нон ва нонлар контролль ўлчови ҳар бири оби нон микдори белгиланган нормадан 10—15 грамм, нонларда эса 20—30 грамм еттишмаслигини аниқлаб берди.

Корхона кеча-кундуз ишлайди. Лекин, шунга қарамай бирлашма раҳбарлари ишчиларнинг туғни ва кундузги овқатланишни йўлга қўймаган.

Қўйилган тахталар синиклиги туфайли улар ерга сочилиб ётибди. Бу ерда узок вақтдан бери озодлик бўйича профилактика ўтказилмаган.

Цехдаги мавжуд иккита хамир кескиш апарати яхши ишламайди. 2400 дона оби нондан 1200 таси белгиланган ҳажмидан кам. Уларнинг ҳар бири нормадан 10—15 грамм фарқ қилади. Печлар термометрлари ишламайди. Маҳсулотлар сифатсиз тайёрланади. Цех тўртин-

«Ташхлебторгга» 157 тонна нон-булка маҳсулотларини кам етказиб берганлиги учун 10,8 минг сўм жарима тўлади. Брак маҳсулотлар жаримаси эса 950 сўмни ташкил этди. «Ташхлебторгга» қарашли 35 та мағазинда ўтказилган текширув жойларда ҳамон харидорлар ҳақиқа хўнаот қилиш, технология нормаларига риоя қилмаслиқ ҳоллари юз бераётганлигини кўрсатди.

Масалан, 35-мағазинда уч турдаги маҳсулот учун ёрлик қўйилмаган. Мағазин сотувчиси харидор ҳақидан 14 тийин уриб қолди.

43-мағазини савдо хонаси антисанитария ҳолатида сақланади. Нон маҳсулотлари йўқ. Контроль ўлчов 10 буханка олий сортли ноннинг (6-нон заводи) ҳар бирининг ҳажми 30 граммдан еттишмаслигини кўрсатди.

60-мағазинда бор маҳсулотлар учун ёрликлар қўйилмаган. Олий сортли нонлар орасида яхши пиширилмаганлари кўзга ташланади. Бу ерда нон сақланадиган ҳўжалик хонаси йўқ. Барча нонлар савдо залдаги тахталарга уйиб ташланади. 3-нон заводида тайёрланган биринчи сортли 10 буханка нон тортиб қўрилганда уларнинг ҳар бири белгиланган ҳажмидан 30—50 грамм кам чиқди.

Шаҳар халқ контроли комитети «Ташкентхлеб» ва «Ташхлебторг» раҳбарлари диққатини юқоридаги камчиликларга қаратди ва улар зиммасига ушбу нуқсонларни тезда бартараф этиш вазифасини топширди. Айбдорлар жазоланди.

3. САМИГУЛЛИН, Тошкент шаҳар халқ контроли комитети ташкилий бўлимининг мудири.



Ешларга таъмин-тарбия бериш барча-нинг диққат-эътиборида бўлиши табиий. Улар бирон бир касбнинг «бошини» тутишлари эса мураббий-ишчиларнинг қувончига қувонч қўшади. Шу сабабли шаҳаримиздаги 3-босмахонада ҳам ешларга касб ўргатишга катта эътибор бериляпти.

СУРАТДА: муқовалаш цехининг брининг диққат-эътиборида бўлиши табиий. Улар бирон бир касбнинг «бошини» тутишлари эса мураббий-ишчиларнинг қувончига қувонч қўшади. Шу сабабли шаҳаримиздаги 3-босмахонада ҳам ешларга касб ўргатишга катта эътибор бериляпти.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС мухбирлари ёзадилар

Хотин-қизлар тинчлик учун курашда

БЕРЛИН. Ер юзидagi миллион-миллион хотин-қизлар бундан буён ҳам тинчлик ва қуролсизланиш учун тинмай кураш олиб бораверадилар, чуқури улар буни ўз мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида иштирок этиш имконияти деб биладилар. Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг бу ерда тарқатилган баёнотида ана шу ҳақда гапирилади. Баёнот 24-31 октябр кунлари нишонланган қуролсизланиш учун кураш ҳафталиги муносабати билан 138 та миллий хотин-қизлар ташкилоти номидан эълон қилинди. Ўртача ва камроқ оқилиш ракеталари ни тугатиш тўғрисидаги Совет — Америка Шартнома-си кучга кирганлиги, ана шу ракета-лар йўқ қилина бошланганлиги, кўпгина реал-фикрловчи кишиларнинг қурол-ароғларни қисқартиришга оид келгусидаги тadbир-лар ҳусусида билдираётган тақлифлари, регионал можа-роларни тинч йўл билан бар-

Телетайп лентасидан

БЕЛГРАД. Ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ўз Иқтисодий Ердан Кенгашининг бу ташкилотга бевосита аъзо бўлган бир қатор давлатлар билан боғлаб турибди. Бироқ, ўз Иқтисодий Ердан Кенгаши билан ЮОСФ ўртасидаги битим ўз даражасига кўра, кенгаш фаолияти практи-касида мислизи битимдир, деди бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ўз Иқтисодий Ердан Кенгаши секретари Вячеслав Сичев. Ўз Иқтисодий Ердан Кенгаши билан ЮОСФ ҳамкор-лигини кенгайтириш учун, энг аввало ҳамкорликнинг итисос-лаштириш ва кооперация ка-

Чигиртка офатиға қарши

РАВОТ. Мароканнинг қадимий Фес шаҳрида 28 октябрдан 30 октябргача чигирткага қарши кураш юзасидан шошилинч чоралар ишлаб чиқиши зарур бўлган халқаро конференция ўтказилиши бу ерда расмий равишда эълон қилинди. Конференцияда Африка ва Европадаги 32 та мамлакат делегацияси, шунингдек Ев-ропа иқтисодий ҳамжамияти, Африка бирлиги ташкилоти, БМТнинг оқин-овқат ва қиш-лоқ ҳўжалик ташкилоти (ФАО) вакиллари иштирок


этидилар. Анжуман состави-нинг бундай нуфузли бўли-ши бежиз эмас. Бу йил Аф-риканинг шимолий районла-рини чигиртка босганлиги чинакам офат бўлди. Ҳаша-ротлар тез кўнайиб, қишлоқ ҳўжалик майдонларини бос-ди ва ҳосилин нобуд қилди. Улар гарбда Атлантика со-ҳилларидан шарқда Нил дарёси бўйича— Маврита-ниядан Судангача ёйилди. Африкадаги кўпгина мамла-катларнинг қишлоқ ҳўжали-гига жуда катта зарар ет-казилди. Мазкур мамлакат-лар шусиз ҳам бу йил кур-

бома ҳақида бораляпти. Альбом саҳифаларига ол-диндан интичка қилиб елим суртиб чиқилди. Бирор газета қирқинчи ешитириш учун шундан сўнг альбом саҳифасини енгилгана намлаб, қир-қиб олинган мақолани саҳифага астагина бо-сишининг ўзи кифоя бўл-ган.

ХАНОЙ ГҲЗАЛЛАРИ УЧУН Ижонхон кўчаси, 79-уй — ҳадемай мазкур адрес Вьетнам пойтахти-нинг барча хотин-қизла-ринга, айниқса пардоз-ан-доз қиланган, ташки қирқинчи катта эъти-бор берадиган аёлларга яхши маълум бўлиб қолганига шўбаха йўқ. Худди шу уйда — Ханой-нинг қоқ марказида ша-ҳардаги дастлабки ва ҳо-зирача ягона гўзаллик сало-ни оғилди. Хотин-қизлар ана шу салоннинг очилишини тоқатсизлик



билан кутишайтган эди. Чунки бунга қадар улар-нинг ташки қирқинчи ва жозибаси бевосита сарта-рошларнинг маҳорати ва тажрибасига, шунингдек уш-элик сотувчиларга боғлиқ эди. Улар ўз соҳасининг малакали му-тахассиси бўлишларига қарамай, шиддат билан олға томон ҳаракат қи-лаётган, тинимсиз ўзга-риб турадиган мода ор-тидан етиб улгуришол-масди. Ханойлик хотин-қизларга ана шу муам-моларни ҳал этишда гў-заллик сало-ни яқиндан ёрдам беради. Янги салон тақлиф этаётган хизмат-лар тури жуда кенг — бу ерда оддий маникюр ва соч турмақлашдан тор-тиб, мураккаб пластик операциялар ҳам қилина-ди.



Депутат фақат олдинда юриши, ҳам-иша намуна кўрсатиш керак. Шаҳар Со-вети депутаты, «Компрессор» заводи бригада бошлиғи Камол Мухиддинов ана шундай пенжадамлардан ҳисоблана-ди. У ойдик топириқларни ошиғи би-

М. Нуриддинов фотолари.

«Тажамкор бўлайлик» — Корхона халқ нозоратчилари томонидан тайёрланган «Халқ контроли» экранни деворий газетасининг навабдаги сони ана шу мақола билан очил-ган эди. Бош группа раиси Б. В. Вечкутов мақолани ўқиб, ўйланиб қолди. «Чиндан ҳам тажамкоримизми?», Негадир шу савол буи эрда унинг вужудини чулғаб олди. У зича жавоб бера бошлады: «Тажамкоримиз, лекин талабдигидек эмас». Масалан, биргина электр энергиясини олиб кўрайлик. Цехларда эрта-лабдан кенгча чироқ ёниб ётади. Ечиники, дам олиш ва маъмурий хоналарни айтмай-сизми? Керакки, керексизми, чироқ ёнгани ёнган. Ҳўш, нега шу ҳақда текширув ўтқа-зиш мумкин эмас? Нега электр энергиясини тежаш лозимлигини ишчилар онгига сингди-риш мумкин эмас?

Ранс бу фикрни груп-па аъзоларига айтганда ҳамма уни бир овоздан қўллаб-қувватлады:

— Жуда яхши тақлиф.

— Бу ҳақда олдиндан ўйлашимиз керак эди.

Шу кунин беш киши-дан иборат рейд брига-даси тузилди. Унга Б. В. Вечкутовнинг ўзи раҳбарлик қилди. На-зоратчилар берча цех-ларда бўлишди. Қар-да электр энергияси ор-тиқча сарф қилинган бўлса, ўша ерда

мухтаассислар тақлиф этилди. Тажамкорлик йўллари маладди. Станоклар босминдан тор-тиб электр токи билан ишловчи барча при-борлар кўздан кечирилди. Нуқсонлар бирма-бир қайд этилди. Бу масала чўқур ўрганил-гандан сўнг, у муҳокама учун кенг ишчилар ўртасига ташланди. Ингилишга корхона маъ-мурияти, партия ва касба союз ташкилоти раҳбарлари ҳам элтиф

этидилар. Яхшиликлар ва иссиқлик эн-ергиялари тежаш юзасидан муҳим қарор қабул қилди. Утган 9 ой мобайнида бош группа тажамкорлиги бўйича 50 дан ортиқ рейд ўт-казди. Аниқланган камчиликлар нозоратчи-мутахассислар тақлифи билан текширув да-вомида барҳам топди.

Халқ нозоратчиларининг бу ташаббуси корхонага катта фойда келтирди. Завод йил-нинг биринчи ярим йиллигида 282 киловатт-соат электр ва 125 гигакалорий иссиқлик эн-ергияларини тежаш қоллишга эришди. На-тижада корхона нозоратчилари бу борада олиб борган самарали меҳнатлари учун «Ўзэнергосбт» қарори билан минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Нозоратчилар кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилишига катта эътибор беришляпти. Сўнгги вақтларда уларнинг тақлифлари билан политизиландан тайёрланган қопқоқлар,

ишлатилган қоп-пакетлар, ваинахоналар учун тўсиқ пардалар ишлаб чиқарила бошлады.

— Илгарилари бу қолдиқ материаллар ташлаб юбориларди,— дейди бизга актив нозоратчи И. Эммуородов. — Кейинчалик бу бизни ўйлантириб қўйди. Наҳот шунча йирик қийинчили материаллардан фойдаланишининг илжон бўлмаса, деган саволни олдимизга қўйналган қилиб қўйди.

Корхона нозоратчиларининг навабдаги йилгилишида ана шу масала ўртага ташланди. Бёззи «корни оргиманлар» «бу материал-лар ҳақида чикитга чиқариб ташланган, ҳўш энди нима, улардан кийим тикмоқчилик-сизлар», деб кесатишди. Лекин кўпчилик бизнинг фикримизни қўллаб-қувватлады.

Шу тариха бу чикит материаллар» қайта иш-лаб чиқариш жараёни-га киритилди. Улардан халқ учун зарур бўл-ган истеъмол буюмлари тайёрлана бошлады. На-тижада корхона даро-мадига даромад қўшил-ди. Истеъмол буюм-лари ишлаб чиқариш плани 7,6 процента ошириб бажарилди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш плани эса 20,5 процента ошди. Анжир-роғи шу ярим йиллик-

да аҳолига 27,1 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатилди.

Бош группа корхона партия, касба союз ва комсомол ташкилотлари билан яқин ало-қада иш олиб боради. Барча муаммолари ма-салавар, рейдлар ва текширув натижалари биргаликда кўриб чиқилди.

Бир мисол. Корхона халқ нозоратчилари заводга қарашли ётоқхоналарнинг аҳоли, уларда яшовчиларнинг турмуши билан таъ-мин ш макседиди ётоқхоналардан рейд ўтқа-зишни планлаштирди. Маълум бўлишича бу тадбир корхона касба союз ва комсомол ташкилотлари иш планларидан ҳам ўрин ол-ган экан. Қўшма рейд ўз самарасини берди. Камчиликлар очиб ташланди. Натижада кўп-чилик ётоқхоналарда ремонт-профилактика ишлари бошлаб юборилди. Уларнинг қишки мавсумга тайёргарлиги кучайтирилди.

Меҳнат иттизоми масаласи ҳам нозоратчи-лар эътиборидан четда қолмаляпти. Бу борада сентябр ойининг охирида ўтказилган тек-ширув ҳали ҳам корхонада меҳнат иттизоми-ни бузувчилар борлигини аниқлаб берди. Ишга кечикиб келиш ва эрта кетиш ҳоллари баъзи ишчилар томонидан ҳамон такрорле-ниб турибди.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонтни заводи халқ нозоратчилари қайта куриш йўлидан дадил бориб, корхонадеги нуқсонларга қарши аёв-сиз кураш очмоқдалар.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Комитетнинг обрўси қани?

— Халқ контроли комитетининг раиси нини? — Билмайман. — Сиз айтиб беролмайсизми? — Кузнецов бўлса керак. Раҳбарлардан сўраб кўринг. Ирригация бўйича итисослаштирилган давлат конструктор-лик бюроси бўлимлари, коридордаги одамлардан шу тариха раисин сурштириб, бош инжениер қабулига бориб қолдик... Корхонада кейинги пайтда меҳнат иттизоми бўшашиб кетди. Партия бюроси, халқ контроли комитети ва «Комсо-мол промторг» ишга келиб-кетмиш, тушлини ва пропуск бю-роси режимиини текширмай қўйдилар. Ҳанузгача тажриба це-хда механика участкаси ва асбосозлик ҳўжалиги ташкил этилмайган, техниканин-ташкилий тадбирлар бажарилмайдиган. Ўшатирилган автомобиль гаражи территориясида қувурлар, хи-собдан чиқарилган жиҳозлар уюлиб ётибди. Инженерлик кор-пусида шароит яратилмаган, санитария тармоқлари нормал ишламайди, даразаларга тўлиқ ойна солинмаган, Ишчи-хизмат-чиларини озин-овнат ва сабзавот маҳсулотлари билан таъмин-лаш ҳам ёмон аҳволда.

Бундай вазиятлар аввало халқ контроли комитети ўз ва-зифасини тўлиқ бажармаганидан келиб чиқди. Гап шунданки, ўтган йилнинг учинчи кварталда ирригация бўйича итис-сослашган давлат конструкторлик бюроси тўрт корхонага ан-гартилки. Бундан кўзланган асосий мақсад бошқарув апарати-ни яхшилаш ва иш сифатини тўлиқ таъминлаш эди. Кон-структорлик бюроси структура жиҳатдан ўзгаргани туфайли ташкилий масалалар, турли ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисоб-китоблари қўйлаиб кетди. Корхона раҳбарлари, хусусан пар-тия комитети ишлаб чиқариш билан овоза бўлиб, мамоат ташкилотлари нозоратига етарли эътибор бермади.

Шу ўринда бир воқеа устида тўхталиб ўтишчи. Утган йилнинг 6 декабры кунин Чирчиқ шаҳри ички ишлар бўлими ҳоҳимлари томонидан бозорда чанак нарджа автомобилёв эҳ-тиёт қисмлари сотаётган кимса ушланди. 45 сўм 55 тийин фойда кўрмоқчи бўлган Георгий Дасов «айвончиликда айблан-ди, ёзилган протоколга имзо чекди. Жиноий иш С. Раҳимов райо-ни ички ишлар бўлиминга оширилди, у ердан конструктор-лик бюросига хат келгунча олти ойга яқин вақт ўтди. Айни шу даврда корхона коллективни қийинчиликларини бошидан ке-чиратган эди. Уларнинг ишонган ва суянган одами, халқ контроли комитетининг раиси, коммунист Дасов эса ўз қил-миши ҳақида на маъмуриятга, на партия комитетига гапир-ди. Ишончага қайтиши бўлмаган ҳолда келиб-кетаверди.

— Май ойда Георгий Максимовичнинг шахсий иши кў-рилиб, партиядан чиқрилган, ишга носоимий муносабатда бўла бошлады, — деди партия комитетининг секретари — М. Турдикулов. — Раҳбарлик сўст бўлгани сабабли халқ кон-троли комитети яхши ишламади.

— Ранисин ўзгартирс бўлмасиндир? — Ҳисобот-салоил ақиллашиб қолгани учун ўзи ишлаб ту-раётгани, бир йўла бюро составини ингилаймиш, деб ўйлаган эди. Г. Дасов номига ранс, комитет иши билан асосан ўри-босари шугулланаяпти.

Халқ контроли комитети раисининг ўрибосари билан ҳам суҳбатлашдик. Ҳўжжатларни нўздан нечирамиз. Йил-лик иш плани тузилган. Кейинги тўрт ой давомида фақат қишки мавсумга тайёргарлик текширилгани ҳақида акт бор. Асосий бош группа ва ёрдамчи группаларнинг аъзолари ҳайд этилган рўйхатлар эски. Нозоратчилар постлари ҳақида маъ-лумотлар йўқ.

— Белгиланган рейдларнинг йна қайси бири ўтказил-ганини аниқ айтолмайман, бошқа ҳўжжатлар ранса, — деди А. Кузнецов. — Биласизми, апрел ойда меҳнат коллективин Советига аъзо қилиб сайлашгандан кейин ишмн қўйлаиб кетди...

Яқинда корхонада партия комитетининг ҳисобот-салоил йигилиши ўтказилди. Ажабланирлики шунданки, партия коми-тети секретари ўз ҳисобот докладыда халқ контроли коми-тети фаолиятини чуқур тахлил қилмади. Сўзга чиққан бю-ро аъзолари ва бошқа коммунистлар ҳам бу ҳақда оғиз очма-дилар. Партия ташкилотининг йилли пайли билан таниша-ётиб, халқ контроли комитетининг ахбороти киритилгани, ле-нин мажлис кун тартибига қўйилмаганини билиб олдик.

Партия комитети қайта кўриш даврида халқ контроли-нинг авангардлик ролига ишоналмаган экан, бошлардандн нимами куттиш мумкин? Кўриниб турибдики, корхонада бу жа-моат ташкилоти тобора обрўсизланиб, таъсирчанлигини йў-қоти бормоқда. Қани, қайта сайланган янги бюро состави танқиддан қандай хулоса чиқарарини?

с. шодиев.

Рассом табассуми




Угри «мушун» йўлини миз. А. Ҳакимов чизган расмлар.

МУШОЖАГА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК РЕДАКЦИЯСИНИНГ ОЙЛИК НАШРИ

№10 1988 ЙИЛ ОКТЯБРЬ



Далалар уйғоқ

Агар шу кунларда далага чиқсангиз, бир олам завқ olasiz. Пахтазор каттақон туйхонани эслатади: санъаткор ҳам, олимۇ ёзувчи ҳам шу ерда.

Ҳа, бугун бобо деҳқон катта хирмон тикламоқда, шаҳар аҳли унга кўмакдош бўлмоқда. Ана шу ҳал қилувчи жангда институтимиз коллективни ҳам фаол қатнашадиганидан мамнунмиз.

Студентларимизнинг 1 минг 200 нафари Сирдарё областининг Илйич районидаги «Правда» совхозида жавлон уришмоқда. Ҳозиргача улар кўтарилаётган катта хирмонга ўзларининг ҳар кун 66 тонналик «оқ олтин»ни билан муносиб улуш қўшмоқдалар.

Ҳамма бир астак билан яшамоқда, етиштирилган ҳосил қор-ёмғир остида қўлиб нобуд бўлмаслиги керак. Бунинг учун об-ҳавонинг қулай келаётгани ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланмоқ зарур. Ўзаро меҳнат раъвоқатида «ким ўзар»га ишлайётган йигит ва қизларимиз кунлик нормаларини муттасил ошириб бажармоқдалар. Биз бугунги кунда ҳозиргача 1,5 — 2 тоннадан ошириб пахта терган Зоҳид Аҳмедов, Қобул Расулов, Умирзоқ Ортиқбоев сингари ёшларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Далалар уйғоқ, улар ҳозир чинакам жанг майдонига айланган. Шу жангда ақтини қатнашиш ҳар биримизнинг вилдон ишмизи, интернационал буржизиядир.

Жаббор РҒЗИЕВ.

Тошкент автомобиль йўллари институтининг партия комитети секретарининг ўринбосари, «Пахта» штабининг бошлиғи.

Мададкормиз сенга, пахтакор!



Машинасозларимиз ишлаб чиқарган серумул «зангори кема»ларсиз бугунги терим суръатини тасаввур қилиб бўлмайди. Терим суръатига-суръат қўшишда бу машиналарнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Муборак

Қилур табассум ҳай-ҳай сўзсиз индо муборак, Кўлгуларни мўлойим шўх бир ибо муборак, Онинг ишиқда арзир бўйсанг адо муборак, Бир парчаси қуёшнинг қалбларга жо муборак, Кўпирмоқда чаноқлар, деҳқонбобо муборак! Қойил қолур тумонат, ер сеҳрини ўқибсиз, Айтинг, нақшошмисиз ё, аккиб кашта тўқибсиз, Ғуза бўйинга сонсиз тилло маржон тақибсиз, Ҳосил бўлибди дилда зўр мўддао муборак, Орузу кўнглини чоғлар, деҳқонбобо, муборак! Юлдузларин етаклаб ой тушибди самодан, Чаноқларга қўнишиб рақс қилади сабода, Бугун дала таъзимда, марҳамат, марҳабода, Лаббайди явобимиз: акс садо муборак, Келмиш дўслар, ўртоқлар, деҳқонбобо, муборак! Хирмон уйиш чоғида бўлсан барча жамулжам, Оқ бошини силкитиб пастда қолур Помир ҳам, Остонада турибди ҳароратли ўша дам, Дегаймиз: келди даврон, қўшиқ, наво муборак, Қаддин тиклабди тоғлар, деҳқонбобо, муборак! Тупроқ узра ёйилмиш ер «очилдасурхони», Бугун далада ҳамма пахтакорнинг меҳмони, Пешвоз келмоқда илдам тоғли ғалаба оқи, Ҳаммиша ушлагувчи ахда вафо муборак, Дармиз келгач шу чоқлар, деҳқонбобо, муборак! Абдулла НУРБЕК.

Сиз бир ёқдан...

Бир неча йилдан буён чўл бағрида деҳқончилик қилаётган Зомин районидаги бизнинг Й. Қурбонов номли кўрқкўжалигимизда ишчи кучи нихоятда кам. Шунинг учун асосий эътиборни техникага қаратганмиз. Ерни ҳайдаш, жиши, ниҳолларни парваришлов ишлари машиналар зиммасига юклаб қўйилган. Бироқ терим техникаси ҳали мукамаллашмаганлиги тўғрисида баян панд бериб келмоқда. 100 дан ортиқ териш, кўсак чувиш ва тўқилган пахтани йиғиштириб олиш механизми ёнганарчилик бошлангани билан сарфдан чиқади-қўяди. Шунинг учун ҳам ҳар йили шаҳарлик мададкорлар бизга қўйиндан ёрдам беришади. Бултурги йилда Жиззах шаҳри ишчи-хизматчилари ҳамда оловқалб студентлари энг қийин паллада кўмакка келишиб, мушкулликни анча осон қилишганди.

Бу йил ҳам ишларимиз чакки эмас. Негаки,

об-ҳаво, ҳарқалай, сахйлик кўрсатиб турибди. Шундай бўлса-да, шаҳарлик ҳашарчилар яна мададкор бўлишди.

Ҳозир далада иш қайноқ. Пахтакорлар ҳам, уларга ҳамкорлик қилаётган шаҳарликлар ҳам кунлик нормани ошириб бажаришмоқда. Бунинг сабаби шундаки, теримда қатнашаётганлар учун барча шароитларни яратиб қўйганмиз.

Совхозимиз сўнгги маррага ҳам етай деб қолди. Бунда, ҳеч шубҳасиз, Сиз — муҳтарам шаҳарликларнинг ҳам улкан ҳиссаларингиз бор. Самимий мадад учун ташаккур.

Бурҳон ТОШБОВ,

Сирдарё области, Зомин районидаги Й. Қурбонов номли совхоз директори, Ўзбекистон Ленин комсомолли мукофотининг лауреати.

Турар жой қурмоқчимисиз, марҳамат!

Партиямиз Марказий Комитетининг 2000-йилгача аҳолининг турар жойга бўлган эhtiёжини тўла қондириш юзасидан ишлаб чиққан тадбирлари бизнинг пойтахтимизда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Яқинда муҳбиримиз шаҳар турар жойларини ҳисобга олиш, тақсимлаш ва шахсий уйлар назорати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Х. Юнусов ҳузурда бўлиб, унга бир неча савол билан мувожабат қилди. Сўхбат муқаддимасида шахсий турар жойлар қуришнинг умумий тартиби ҳақида сўз юритилди.

— Шу йил бошидан амалдаги лойиҳага мувофиқ аҳолига 120 квадрат метргача ҳажмда шахсий уйлар қуришга рухсат берилди. Бунинг учун участка ажратиш ва уй-жой қуриш навбатига қатъий амал қилинган ҳолда аҳолига «Қорасу» боғдорчилик совхозини, «Ленин йўли» колхозини ва бошқа хўжаликлардан белгиланган миқдорда ер майдонлари ажратиб берилади. Участкалар иш ва турар жойлардаги умумий навбатга кўра ажратилади. Бу тартиб давлат кооператив уйларига яшовчиларга ҳам тааллуқлидир. Агар улар ер участкаси олишнинг ихтиёр қилсалар, ўзлари яшаб турган уйлари албатта топширишлари лозим.

Шахсий турар жой участкаларидан ташкил толган янги масивлар алоҳида ном билан аталиб, бу жойларда янги ташкил этилган, қурилатган корхоналар дирекцияси томонидан инженерлик тармоқлари ва социал-маданий маиший объектлар вужудга келтирилади. Бу ишларни плани равишда олиб бориш ва турар маблаг билан таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларни ижросига етказиш шаҳар молия бошқармаси ва планлаштириш комиссияси зиммасига юклатилди. Улар капитал қурилиши бошқармаси буоортмаларига мувофиқ маблаглар ажратишлари, планлаштириш ишларини ўз муддатларида бажаришлари зарур.

— Қимларга шахсий участкалар қуриш ҳуқуқи берилган!

— Шаҳар ижроия комитети томонидан қабул қилинган конструкцияга мувофиқ пойтахтимизда беш йилдан кам яшамаган ёки бир корхонада узоқ йиллар ишлаб келган ҳамда ҳар бир қишга етти квадрат метрдан кам бўлган турар жой тўғрисидаги оқолавер шахсий участкалар қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Ер участкалари бўшатилиши лозим бўлган биноларда яшовчиларга, яшаш шароитини яхшилаш учун навбатда турган қишларга, уйлари бузилиши мумкин бўлган шахсларга икки йил давомида берилади.

Давлат ва кооператив уйларига яшовчилар ер участкаси ажратилганлиги тўғрисида қарор чиққан ден кейинги бир ой давомида ўзлари яшаб турган турар жойини топширишлари шарт.

— Участка ҳажми қандай бўлади!

— Ажратиледиган ер участкаси 6 сотих ҳажмида белгиланди, аммо бу майдон ҳам фақат сони 4 кишидан кам бўлмаган оқолаверга берилади. Ер участкаси олиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этилган аризалар шаҳар ижроия комитетига кўриб чиқиш учун бир ой муддат ичиде берилади.

— Шахсий участкалар ва томорқаси бўлган давлат турар жойларида ўзбошимчилик билан қурилган уйлар тақдирини ҳақида гапириб берсангиз.

— Ҳозир пойтахтимизда 94 минг 700 дан ортиқ шахсий участкалар бўлиб, уларнинг умумий турар жой ҳажми 7 миллион 33 минг квадрат метрни ташкил этади. Ўзбошимчилик билан қурилган уйлар эса 1 миллион 998,6 минг квадрат метрдан иборат. Бу уйлар асосан 1948-1955 йилларда ва шаҳарда ер қимирлагани тўғрисида вужудга келган аҳолидан кейин қад кўтарди.

Шаҳар Совети ижроия комитети кўпсонли граждандарнинг талаб ва илтимосларини ҳисобга олиб, ана шу ўзбошимчилик билан қурилган уйлари уларнинг эгаларига рўйхатдан ўтказиб бериш тўғрисида шу йилнинг 5 апрелида махсус қарор қабул қилди. Шаҳар маъмуриятининг бу қарорини меҳнат аҳли зўр мамнуният билан қабул қилди.

Маъзур қарорга мувофиқ турар жойларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва шахсий уйлар назорати бошқармасига шу йил 1 январгача қурилган уйлари ҳисобга олиш ва уларни эгаларига бериш ишларини 1991 йилнинг 1 январгача тугаллаш вазифасини юкляди. Аммо шу йилнинг 1 январгача ўзбошимчилик билан қурилган уйлар ҳажми 120 квадрат метрдан ошмаслиги керак. Акс ҳолда, бу қонунга хилоф иш тутишини ўзгирасидир.

— Томорқаси бор шахсларга шаҳар ичкарисида бундан кейин ҳам уй-жой қуришга рухсат бериладими!

— Ҳа, фақат дахлдор ташкилотларнинг махсус қарорига мувофиқ рухсат этилади. Бунда маъзур массивнинг архитектура-планлаштириш қиёфасига путур етказмаслик шартлари ҳисобга олинади ва қуриладиган уй ҳажми 120 квадрат метрдан ошмаслиги тўғрисидаги талаб ўз қучида қолади. Бундан кейин ўзбошимчилик билан бўш ётган ерларни эгаллаб олиш, улардан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш, мавжуд лойиҳа ва шартнома мажбуриятларидан четга чиқиш техника, инвентаризация ва лойиҳа органлари рухсатсиз шахсий ва жамоат биноларини тиклаш Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 209-Фармони ҳамда Ўзбекистон ССР граждандлик кодексининг 123-моддасига мувофиқ жазоланадилар.

Бундан келиб чиқадики ҳулоса шуки, эндиликда умумий тартиб доирасида уй-жой қуравериш мумкин, аммо ўзбошимчиликка асло йўл қўйилмайди.

Сўхбатин «Мушоҳада» мухбири Дилмурод ОБЛАЕВ уюштирди.



Хуқуқий давлат, у нима?

Халқ иродасини ифодаловчи қонуният таънасини барқарор этиш, ҳар бир совет кишининг хуқуқ ва бурчини муҳофаза қилишни кўчайтириш, қисқаси хуқуқий давлатни вужудга келтириш партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларида қайта қўришнинг асосий омилларидан бири сифатида олдинга сурилди. Хўш, хуқуқий давлатнинг ўзи нима? Мухбиримизнинг шаҳар суди аъзоси Зиёвуддин НАСИДДИНОВ билан суҳбати ана шу мавзу атрофида бўлиб ўтди.

— Сўнгги йилларда бу ҳақда матбуот саҳифаларида жуда кўп гапирилмоқда. Хуқуқий давлат асосларини лўнда қилиб изоҳлаб берсангиз...

— Хуқуқий давлат деганда биз, аввало, бир томондан давлат ва иккинчи томондан барча граждандар, ташкилот ва корхоналарнинг қонуни негизда бир-бирларига нисбатан ўзаро масъулиятини тушунамиз. Эндликда талаб бир томонлама бўлмайди, бундан кейин барча граждандар, ташкилот ва корхоналар давлат олдинга ҳам қонуни доирасида ўз талабларини қатъий қилиб қўйишлари мумкин.

